



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 28 октябрь, №220 (3332)

Сешанба



ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

25 октябрь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди.

Ли Чонг-Вук шу йил май ойида мазкур ташкилотга раҳбар этиб сайланган. Урашувда Президент Ислам Каримов меҳмонни юксак лавозимга сайлангани билан қутлар экан, тажрибали мутахассис ва нуфузли арбоб саналагани Ли Чонг-Вук раҳбарлигида ЖССТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайтиришга умид билдириди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ва кўп қиррали алоқаларида ЖССТ унга хос ўрин тутаяди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бунинг боиси шунки, ЖССТ ўз фаолиятига сиёсий тус бермайди, аниқ ва зарур ёрдамни аямайди.

1948 йилда ташкил этилган мазкур халқаро ташкилот соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича БМТнинг бош институти ҳисобланади. У ўз фаолияти доirasида икки тархнинг ютуқининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб — 1980 йилда жаҳонда чечкини бартараф этишга эришилди, 1994 йилда Америка қитъасида полиомиелит касаллигига барҳам берилди. Бу 2000 йил охиригача дунёда мазкур касалликдан кутулиш вазифасини адо этиш борасидаги дастлабки қадам эди.

Ўзбекистон 1992 йили ушбу ташкилотга аъзо бўлган. 1994 йилдан Тошкентда ЖССТнинг Мувофиқлаштириш ва алоқалар бўйича бюроси фаолият кўрсата бошлади. 2001 йили эса бюро ваколатхонага айлан-тирилди.

Мамлакатимизнинг ЖССТ билан ҳамкорлиги бир неча муҳим йўналишларни қамрайди. Улар орасида силни назорат қилиш стратегиясининг ижроси, ОИТСнинг олдини олиш, наркотик моддалар ҳамда тамаки назорати бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, врачлар ва ҳамшираларни умумий амалиётга ўқитиш, соғлом турмуш тарзини тарбиб этиш каби соҳаларни таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда донор мамлакатлар ҳисобидан ЖССТнинг бир неча лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг уч туманида бирламчи тиббий-санитария хизмати-ни мустаҳкамлаш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасига (қиймати 610 миң АҚШ доллари) Бельгиянинг, самарали перинатал ёрдамни ривожлантиришга қўмаклашиш лойиҳасига (100 миң доллар) Италиянинг молиявий ёрдами жалб этилган. Жами беш лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда силга қарши кураш дастури ҳаётга ичкил жорий қилинмоқда. Хозир мамлакатимиз аҳолиси ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Силнинг қисқа муддатли кимёвий терапияси дастури доирасида ушбу хасталикни замонавий ва самарали услубда даволаш имкониятидан фойдаланмоқда. Ташкилот кўмаги билан Тошкентдаги Физиатрия ва Пульмонология илмий-тадқиқот институти ҳузурида силни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилган.

ЖССТ Л.Исаев номидиги Самарқанд тиббий паразитология институтига ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги ҳаволи муҳофиза қилиниб, барча амалга ошириладиган лойиҳалар борасида атрофиялар фикр алмашилди, томонлар ўзарани қизиқтирган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этиди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожининг истиқболли йўналишларини белгилаш, айрим мамлакатлар ё мунтақалардаги муаммоларга ечим топишга қўмаклашиш борасида ЖССТ мувофиқлаштирувчи ва Унга хос бошқарув маркази бўлиши керак. Ўзбекистон томонининг нуқтани назарига қўра, ЖССТнинг маънафини янада ошириш ва ваколатларини кенгайтириш шарт келиди.

Чунки, айрим мамлакатлар ўз ҳудудида юқумли касаллик пайдо бўлганини ва унинг қўшни ўлкаларга тарқалиши эҳтимолини била туриб, бу ҳақда уларни расмий огоҳлан-

тирмаслиги ҳолатлари кузатишган. Бунинг хавфи нечоғли катта эканини Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Амурдари ва Сирдарёдан миллионлаб одам сув ичади. Миллионлаб гектар экин майдонларини ҳам бу икки дарёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай шартларда бирор жойда чиққан юқумли касаллик дарҳол назорат остига олинмас, у жуда осон ва тез тарқалади. Шу боис ЖССТга бундай ҳолатларни текшириш ва суриштириш ваколатини бериш зарурати бор.

Мамлакатимиз раҳбари ўта хавфли юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боришининг энг самарали чораларидан бири Эпидемия ва эпизоотиялар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш эканлигини таъкидлашди. Ўзбекистон ўз ҳудудида шундай марказни жойлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ли Чонг-Вук Ўзбекистон Президентига самимий қабул ва амалий тақдирлари учун миннатдорлик билдириди. Мамлакатимиз томонидан тиббиёт мусассаларини усқуналар ва дори-дармон билан таъминлаш дастури ижроси учун 40 миллион АҚШ доллари ҳажмида ёрдам сўраб, Глобал жамғармага берилган мурожаатни ЖССТ қўллаб-қувватлашини айтди.

ЖССТ Бош директорининг

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Жаноби олишларига

Мухтарам Президент, 2003 йилнинг 25 сентябрь куни Тошкентта таширфимиз давомида менга ва делегация аъзоларига кўрсатилган самимий меҳмоннавозлик учун Сизга ўз миннатдорлигини изҳор қилиш мақсадида мактуб йўллайман.

Менга кўп вақт ажратганидан миннатдорман ва Афғонистондаги вазият юзасидан оқилона тавсияларини юқори баҳолайман. Сизнинг фикрларингиз эртасига Кобулла қилжак сафарим арафасида ниҳоятда фойдали бўлди. Кобулла ва кейинчалик Шотландияда президент Хамид Карзай билан бўлиб ўтган учрашувда мен Ўзбекистоннинг Афғонистон ўтиш ҳукуматини ва Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга қаратилган сайи-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатъий мажбуриятини қайд этиб ўтдим.

Таширфим давомида таъкидлаганимдек, Халқаро хавфсизликни таъминлаш кучлари (ISAF) доирасида НАТОнинг етакчи ролини тўла қўллаб-қувватлаганингиз ва мазкур операцияга аниқ қўмак бериш бўйича қимматли тақдирингиз Альянс томонидан юқори баҳоланди. Биз Сизнинг тақдирингизга мумкин қадар қисқа муддатга, яқин келгуси ҳафталарда жавоб қайтарамиз.

Ўзбекистон ҳукумати ва парламенти томонидан НАТО ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга нисбатан билдирилган қизиқишлар менда катта таассурот қолдирди. Мен ҳодимларимга Ўзбекистоннинг НАТОгаги миссияси билан ҳамкорликда Сиз ва Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама қилинган масалаларни ўрганиб чиқишни топширдим.

Учрашувимиз чоғида айтиб ўтганимдек, Сизнинг қатъий сиёсий қўллаб-қувватлашингиз туфайли Тошкентда "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" ўқув марказининг ташкил этилиши келаси йил мамлакатингизга амалга ошириладиган Шимолий Атлантика Кенгашининг ташири билан бир вақтта тўғри келиши мумкин. Шунингдек, Халқаро котибиятнинг экспертлар гуруҳи НАТОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиб масаласини муҳокама қилиш учун кейинги ҳафталада Тошкентга келиди. Режадаштириш ва муҳокама этиш жараёни хусусидан ҳамкорлик масаласида, мен, ваъда қилганимдек, мулоффа вазир К.Ғуломовга алоҳида мактуб йўлладим.

Булғуси ҳамкорлигимизга умид қиламан. Самимият билан,

Жорж РОБЕРТСОН,
НАТО Бош котиби

2003 йил 6 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект - қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишларини этиб қуйидагилар белгилашсин:

фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаш; фермер хўжаликларида узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларини мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шакллари таллашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончи тизимини шакллантириш;

бозор шартинда бизнес-бозорнинг қўллаб-қувватлашга эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқарини ва бозор инфрақурилишини жадал ривожлантириш;

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ташаббус асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ери узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғалла-этиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини со-

тишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-моилаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Қамада уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ери ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Мақамасига тегишли тақдирлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан экинлар ҳамда қўрсатилган шартлар ўрнига бошқа экин экиш - ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланганда ҳамда амалдаги қонунчиликда қўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ери майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ери майдонларини ажратиш (сотиб) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқланган сўнг кучга кирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан бирликти давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлданган сўнг маблағларни эркин тасаруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда улар-ларни молиялашга 2004-2005 йиллар давомида босқичма-босқич ўтишни қўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: фермер хўжаликларига айланттириладиган қишлоқ



ЮНИСЕФ: ижтимоий мониторинг УЙЎҒУНЛИК

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий янгиланиш йўлидан бориб, бу борада эътиборли ютуқларни қўлга киритди. У қисқа вақт ичида Хамдустлик давлатлари орасида биринчи бўлиб иқтисодий тангликдан қутулиб, барқарор ривожланиш босқичига чиқиб олди. Хозир ҳам ана шу тараққиёт йўлидан дадил қадам ташламоқда. Буни халқаро ташкилотлар ҳам

бўлиши унинг тараққиёти барқарорлигидан дарак беради.

— Одатда иқтисодий ўсиш даражаси баҳолаганда унинг қайси жиҳатлари ҳисобга олинади?

— Баҳолаш жараёнида фақат иқтисодий ўсишнинг миқдорий жиҳати, яъни ялпи ички маҳсулот ҳажми қанчага ошганининг ҳисобга олиниши камлик қилади, албатта. Чунки иқтисодий ўсиш даражаси ва жузвий омиллар таъсирида келди. Шунинг учун бу инма-лар ҳисобига юзага келганлигини билан ҳам ўта муҳимдир. Масалан, бир қатор Хамдустлик мамлакатларида жаҳон бозоридан ўткинчи конъюнктура ўзгаришлари, хусусан, энергоресурслар нархининг ошishi ҳисобига иқтисодий ўсиш кузатилаётган бўлса, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш ички таъин нуқталарига асослангандир. Аниқроқ қилиб айтганда, либерал иқтисодий тузилмага асос солиниши уни рағбатлантирувчи янги кучларни — хусусий ишбилармонлик ва ташаббус, хусусий манфаат ва масъулиятни вужудга кел-

тириди, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг тарқибий тузилсини бозор иқтисодиёти ва миллий мустақиллик талабларига мослаштирилди. Қоливерса, мустақил тузулдан бизга мерос бўлиб қолган ишлаб чиқариш агар мустақиллик тарзида бўлгани учун, у истиқболсиз эди. Шу сабабли унинг тарқибий тузилсинини ичкилик билан, миллий манфаатни назарда тутиб янгилан йўлидан борилади. Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда стратегик ва-зифа, Президентимиз таъкидлаганидек, «иқтисодиётимизнинг структурасини тубдан ўзгариштириш, ҳомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш, дан иборат бўлди.

— Сўхбатимиздан аён бўляптики, иқтисодиётимиздаги ана шу тарқибий янгиланиш жараёни бир неча йўналишларда амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу ҳақда ҳам таъкидларга тўшунча бериб ўтсангиз?

— Биринчидан, республикамизда импортнинг ўрнини босувчи товарлар ва хизматларни яратишга эътибор қаратилди. Иккинчидан, экспорт-боп маҳсулот ва хизматларнинг қўллашига устуворлик берилади. Учинчиси шуки, маҳаллий ҳомашё чукур ишлаб бериб, ундан тайёр маҳсулот оlishа ўтилади. Буларнинг ҳаммаси оқир-оқибатда ўзимизда экспорт товарларининг пайдо бўлишига, республикамизнинг импортга қарама-қарши анча чеклаб, ўзини ўзи маҳсулот билан таъминлашга олиб келиди.

Тарқибий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, албатта, у Ўзбекистонда анъанавий соҳалар билан биргаликда янги соҳаларнинг ривожланиши ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлаганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бунда, табиийки, биринчи омил санаятлашув бўлса, иккинчиси сервис хизмати кўрсатиш секторининг тез тараққиёти эътиҳидир. Келинганда, инвестиция ва тузилма сиёсатининг жойларда та-

биқ этилиши туфайли ўтган йиллар мобайнида Андижон автомобиль заводи, Бухоро Кўнгирот қайта ишлаш заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошқоқ ип йигирув фабрикаси, Янгийул биокимё заводи, Шуртан газ-кимё мажмуи, «Зарафшон-Ньюомонт», «СамКочавто», «Косонсой-Текмен», «Хоразм-Нуртоп», «Оқсарой тўқимачи», «Хива Карпет» ва «Наманган «Nestec» каби қўшма корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эътибор берган бўлсангиз, ана шу янги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида барпо этилганлиги, бугунги кунда улар худудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгаришмоқда.

Энди бевосита сервис соҳасига тўхталсак, 2001 йилга келиб, унинг иқтисодиётдаги маъқен кучайиб, ҳиссаси қарийб 37,7 фоизга етди.

Тарқибий силжислар натижасида, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётдаги ҳиссаси пайсаянган ҳолда, бошқа соҳаларнинг улushi ортиб боргани кузатилади. Мисол учун, 1991 йилда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ҳиссаси 45 фоиз бўлган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 30,2 фоизга тушди.

Шу ўринда Ўзбекистондаги тарқибий силжисларда давлатнинг бевосита иштирок этиб-ганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Чунки бозор механизмнинг ўзи бунинг улдасидан чиқа олмас эди. Шундай вазиятда давлат инвестициялари ҳисобига янги тармоқларни ривожлантириш зарур бўлди ва бу вазифа муваффақиятли ба-жарилди.

Давлатнинг катта инвести-

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 2-бетда)

Буш бутун дунё мусулмонларини табриклайди



Муборак Рамазон ойи муносабати билан АҚШ президенти Жорж Буш бутун дунё мусулмонларига ўз табригини йўллади.

Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ислому ахли учун Куръон нозил бўлган ой — Рамазон муқаддас ҳисобланади. Бу ой давомида мусулмонлар ўз эътиқодларини янада мустаҳкамлашади ва ўз фарзларини бажаришга ҳаракат қилишади. Рамазон ойида барча мусулмонлар рўза тутиб, номоз ўқиб, ҳаётга янада тегиноқ қарашади. Бу билан уларнинг қалбларидида ор-номус, ифбат ва ҳамдардлик каби тушунчалар янада кучаяди.

Америка халқи характерни шаклланишида турли дин вакиллари катта роль ўйнади. Ислому — тинчликсевар дин. Мусулмонлар бизнинг жамиятимиз ва дунё ҳам-жамияти ривожига катта ҳисса қўшди. Барча америкаликлар сингари биз ҳам сизнинг эътиқод эркинлигинингизни ҳурмат қиламиз. Биз барча дин вакиллари билан бирдэй эътироф этамиз. Биз озоқлик ва ўзаро муносабатлар гуллаб-яшнаши учун ҳамкорлик қиларканмиз, бу билан ўз порлоқ келажакимизни пойдеворини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшамиз».

Социалистлар ғолиб чиқди

Маълумотларга қараганда, Болгарияда маҳаллий ҳукумат органларига бўлиб ўтаётган сайловларда социалистлар (Болгариянинг собоқ коммунистик партияси) ғолиб чиқди.

Мутахассисларнинг таҳминларича, сайловлар давомида Социалистик партия 30 фоиз овоз тўллаб, Болгариянинг собоқ қироли Симеон II нинг ўнг қанот ҳукуматига жиддий рақобатчига айланади. Социалистик партиядан кейин, сайловчиларнинг 21 фоиз овозларини олган консерватив Бирлашган демократик кучлар иккинчи ўринни эгаллашди. Симеоннинг Миллий ҳаракати эса учинчи бўлди.

Навбатдаги портлаш

Бағдодда яна кучли портлаш содир бўлди. Биринчиси Халқаро қизил хоч қўмитаси биноси ёнида, иккинчиси эса бир неча дақиқалардан кейин, Саиноват вазири олдидан рўй берди. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, 12 одам ҳалок бўлган.

Ёнгин хавф туғдирмоқда

Калифорния штатининг жанубида ўрмон ёнгинлари давом этмоқда. Ёнгинлар оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмган, 550 га яқин уйлар вайронага айланган. Олов бошқа объектларга ҳам хавф солмоқда. Бир неча катта шаҳар аҳолиси ўз уйларини ташлаб чиқиш кетган. Уларнинг бир қисми фавқулодда вазиятлар хизматлари томонидан олиб чиқилган.

Айни пайтда 80 минг гектар ер олов билан қопланган. Ёнгин бир ҳафтадан бери давом этмоқда. До-вул эса унинг янада кучайишига олиб келмоқда.

Хитойда зилзила

Хитойнинг Ганьсу провинциясида юз берган зилзила оқибатида 9 одам ҳалок бўлди, яна қирқ учтаси жароҳат олди. Рихтер шкаласи бўйича 6,1 ва 5,8 баллга тенг зилзила Мин-лэ, Шаньданг, Чжанье ша-ҳарлари атрофида юз берди. Халокат содир бўлган жойда 10 мингга яқин уй вайронага айланди.

Можаро келтирган тўғон

Ҳукумати ҳудудга чегарачиларни олиб кирди ва мамлакат парламенти тўғон қурилиши давом этса, Ягона иқтисодий ҳудудга кириш шартномасини маъқулламаслигини билдирди. Украинада базис кучлар ҳатто муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилишга даъват қила бошлади. Мамлакатнинг собоқ президенти, айни пайтда парламент депутаты Леонид Кравчук «Украина зарбага зарба билан жавоб бериши, худлик билан худлик билан муносабат қилиши керак» деган фикр билдирди.

Украина ҳукумати эса БМТ ва ЕХТга эътиборини қаратди. Шимолий альянснинг бош котиби Жорж Робертсон Киевга таширғи буюрди. Аммо муаммонинг альянста алоқаси йўқлиги сабаб икки томонни ўзаро келишувга чақирди.



Москвада ҳам шу муаммо туфайли хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Базиларнинг фикрича, Тузла энламининг кимга қарашини ҳали аниқлаш лозим. Россиянинг Шимолий Кавказ миссиясининг чегара бошқармаси матбуот хиз-

мати тарқатган маълумотга қараганда, «Украина томонининг Керч бўғози, Азов ва Қора денгизлари бўйича делимитация линияларини эълон қилиши бир томонлама бўлганлиги сабабли тан олинмайди».

Кузатувчиларнинг фикрича, Россиянинг Тузла энлами-ришни тўлиқ назоратига олади. Бу эса Москвага Азов денгизига бошқа давлатлар кемалари(асосан ҳарбий кемалар) киришининг олдини олиши учун керак.

Маълумотларга қараганда, Украинанинг НАТОга аъзо бўлиш хоҳиши йўқ эмас. Бу фикр Россияга хуш келмайди.

этиш учун БМТнинг 1982 йлда қабул қилинган Денгиз ҳуқуқлари бўйича конвенциясига амал қилиши тақлиф этмоқда. Унга қўра, қирғоқдан 12 миля узқоқдаги сув юзидан нафақат Россия ва Украина кемалари, балки барча давлатлар кемалари сузиши мумкин. Москва эса денгиз тубини бўлиб, уни икки давлат юрисдикциясига кирювчи икки сув ҳавзаси қилишга мойиллигини билдирмоқда. Учунчидан, тўғоннинг қурилиши Таман бўғозида балкилар тўпланишига хизмат қилади. Бўғоз эса Россияга қарашли. Тўғоннинг қурилиши, ушбу баҳсли ҳудудда катта нефть қонлари бор деган тахминлар мавжуд.

Демак, Тузла энлами атрофидаги воқеалар икки давлат ўртасидаги Керч бўғози ва Азов денгизини муаммонини аниқлаш муаммосини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Балки, Россиянинг тўғон қурилиши бошлаши муаммони юзга чиқариши ва уни ҳал этишга қаратилган қадам бўлса, ажаб эмас. Нима бўлганда, икки давлат ҳукуматлари муаммони ҳал этишга киришишмоқда. Утган ҳафтанинг жума кунини Россия ва Украина Бош вазирлари Михаил Касьянов ҳамда Виктор Януковичларнинг Москвадаги учрашуви ҳам, айнан ана шу масалага бағишланди. Унинг якунига қўра, Украина томони ҳудуддан чегарачиларини олиб чиқадиган бўлди, Россия эса тўғон қурилишини Азов — Керч сув ҳавзаси мақоми аниқлангунча тўхтатади.

Михаил Касьяновнинг айтишича, «Айни пайтда Тузла




энлами ҳудудда Россия ва Украина ўртасида ҳеч қандай чегара бор деган фикрлар кели чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Бу нотўғри ҳаракат бўлиб, уни тўхтатиш лозим». Янукович сув ҳавзасининг мақоми Украина конституциясига мувофиқ ҳал қилинишини таъкидлади.

Кузатувчиларнинг фикрича, масалани музокаралар йўли билан ҳал этмоқ зарур. Чунки икки давлат азаддан дўстона муносабатлар тарафдори бўлиб келган. Мазкур муаммо ўзаро алоқаларга раҳна солиши мумкин. Буни томонлар яқин тушуниб етмоқда, шекилли, Россиянинг Украинадаги элчиси Виктор Черномырдин ҳам, Врховная Рада расми Владимир Литвин ҳам ўз чиқишларида икки давлат муносабатлари мураккаблашининг олдини олиш ва муаммони музокаралар орқали ечиш лозимлигини таъкидлади.

Кўпчилик икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг 30 октябрь кунини бўлиб ўтадиган учрашуви муаммони ҳал этиши ва ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилишига умид боғламоқда.

Салим ДОНИЭРОВ.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Associated Press мухбири-нинг хабар беришича, Утган яшанба кунини АҚШ ҳарбийлари томонидан қамоқда сақланган Толибон ҳаракатининг ташқи ишлар вазири Вакил Аҳмад Муттавакил озоқликка чиқарилди. Айни пайтда ва-

ВАЗИР ОЗОДЛИКДА

зир Афғонистоннинг жану-бийида жойлашган ўз уйда яшамоқда. Вакил Аҳмад Муттавакилнинг озоқ қилинган ва ҳозирда Қандаҳор музофотида истиқомат қилаётганини ҳукумат вакили Муҳаммад Юсуф Пуштун ҳам тасдиқлади.

Муттавакилга шу пайтгача қандай айб қўйилиб келинаётгани ва у нима сабабдан озоқликка чиқарилган ҳозирча номаълум. Аммо тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, АҚШ ва Афғонистон марказий ҳукумати вазири озоқликка чиқариш орқали мамлакатнинг турли бурчакларида тинчлик кучларига қарши жанг олиб бораётган Толибон ҳаракати ва «Ал-Қоида» жангарилари билан бирор келишувга эришиш эҳтимоли бўлиши мумкин. — Мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва қайта тиклаш ишларида қатнашиш исти-ғинада бўлган Толибон ҳара-катининг бошқа вакиллари-га ҳам озоқликка чиқиш

Юнус БҲУНОВ.

Юз марта эшитгандан...

Германияда ўтказилган «Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?» викторинасида ғолиб чиққан берлинлик Ганс-Гюнтер Дардеман Буюк Ипак йўли дурдоналари бўлиши Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари жамолидан баҳраманд бўлди. Ушбу сафар сўнггида Ганс-Гюнтер Дардеман саёҳат таасуротлари билан ўртоқлашиб, қуйидагиларни сўзлаб берди: — Ўзбекистонда ҳис этган нафис туйғулар шодасини сўз

билан ифодалашга ожизман. Ушбу жаннаткамол ўлкага келгунга қадар мамлакатнинг ҳақида кўп ва хўб ўқиган эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганлар рост экан. Саёҳатимизнинг дастлабки кунлариданоқ ўзбек халқининг қалб ҳарорати, меҳмондўстлиги бизни лол қолдирди. Рафиқам иккимизга бўлган самимий ва дўстона муносабати ҳис этиш учун ўзбек тилини билишга ҳожат қолмади.

Тиббиёт оламида

Қизалоқнинг юраги алмаштирилди Кейптаундаги Кристиан Барнард номи-ли шифохона юракни кўчириб ўтказиш бўйича дунёдаги энг машҳур шифохоналардан ҳисобланади. Яқинда бу ерда Миле Дузе исмли етти ёшли қизалоқ-нинг юраги алмаштирилди. Бу, қасалхонада шу соҳада ўтказилган юзичини жар-роҳлик операциясидир. Шифохонада бун-дай жарроҳлик операцияси биринчи бор 1967 йилда ўтказилган эди.

Дўхтир маъқулми ё табиб?

Мексикалик беморлар сўнгги йиллар-да врачларга эмас, кўпроқ шаманлар ва табибларга тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда. Сабаби, 500 йиллик тақиқлар-дан сўнг халқ табибига рухсат берил-гач, у гуркираб ривожлана бошлади. Одамларнинг кўпроқ табибларга мурожа-

Рууда «кўр» ҳайдовчи

Австрияда яшовчи немис фуқароси Торстен Штортман 5,4 километрик тоғ йўлини автомобилда кўзи боғланган ҳолда босиб ўтди. Сотиға 20 километр тезликда юрган ма-шинада «кўр» ҳайдовчидан ташқари яна учта йўловчи ҳам бор эди.

Телефон ўғрилари кўпаймоқда

Варшавада уяли телефон аппаратларини ўғирлаш урф бўлиб қолди. Масалан, утган йили полицияга 39 мингта шундай телефон аппаратлари

Швеция — биринчи

Швеция чекишга қарши кураш бораси-да Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмасини бажарган дунёдаги биринчи давлат бўлди. Ҳозир бу мамлакатда 16 фоиз эркак, 19 фоиз аёл кашанда, холос. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса дунё давлатларига мурожаат қилиб, чекув-чилар сонини 20 фоизга туширишга ча-қирган эди. 1980 йилда Швециядаги аёл-ларнинг 29 фоизи, эркакларнинг 36 фоиз чекар эди.

Кемирувчинини йўқотганга мукофот

Бундан ярим йил бурун Маля давлатида каламуш ва сичқонларга қарши ялли ку-раш бошланган эди. Оралдан кўп ўтмай унинг натижалари ҳам кўзга ташланди. Шу қисқа фурсат ичида, мамлакат пой-тахтида 47320 та кемирувчи йўқ қилинди. Бундай натижа-га эришишда ҳукумат томони-дан ҳар бир кемирувчи калла-си учун 78 африка франки тўлангани катта роль ўйнади. Энди малиликлар ҳовли-ларидаги ҳосил ноубу бўлиши ва турли хил юқумли касал-ликлар тарқалиши хавфидан, бир оз бўлса-да, қутилишиди.

Телесериал туфайли фожиа

Қоҳралик бир аёлнинг телесериалларга ўта берилган фожиага олиб келди. У йилда жаҳондаги барча уй бекалари-нинг севимли «эрмағи»ни кўриб ўтирган эди. Эри келиб телевизорни ўчириб ташлади. Шундан сўнг ўртада жанжал чиқди. Жаҳд отига минган аёл эрини кўтариб кўпқаватли уй-нинг ойнасидан отиб юборди.

«Илон-одам»

Хиндустоннинг Бихар шта-тида яшовчи Муҳаммад Карим Мансур шу йил 20 ёшга тулди. Ота-онасининг гапига қараган-да, у 10 йилдан буён шугарли илонлар ови билан шуғулла-ниб келди. Шунинг учун ҳам, кўпчилик Муҳаммад Каримни «Илон-одам» деб атади. Яқинда «Илон-одам»нинг тоби қочиб қолди. Маҳаллий табиблар унга турли хил уйку-дорларни ичганини маслаҳат беришди. Муҳаммад Карим эса бунга қулиб қўя қолди. Чунки унга илонлар тили ва лабидан чақасига таъсир қилади. До-рилар эса...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАРИГА! ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ. ЛОЙИХА МАҚСАДИ. ТАЛАБЛАР. ЛОЙИХАНИНГ ТАЪРИФИ. Ташкилот ҳақида маълумотлар. Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари. Мазкур лойиҳа ёрдамида нималарга эришилишини таърифланг, жумладан: 1) лойиҳанинг узоқ мuddатли афзалликлари ва натижаларини; 2) лойиҳанинг бошланиш босқичидаги қутилмаган натижаларини келтиринг. Лойиҳанинг амалга ошириш стратегияси ва режаси. Юқоридаги мақсад ва вазифаларга қандай эришишни таърифланг. Грант берувчи ташкилот ишни назорат қилиб бориши қулай бўлиши учун лойиҳанинг амалга ошириш режасини беринг, жумладан: 1) лойиҳа доирасидаги тадбирларнинг кетма-кетлигини; 2) лойиҳа бенефициарларини аниқлаш мезонларини ва бошқа ҳар қандай релевант маълумотларни келтиринг. Шунингдек, лойиҳанинг мониторингини ва уни баҳолаш қандай олиб борилишини таърифланг, яъни бажарилган ишларни ва лойиҳанинг самарадорлигини аниқ баҳолаш учун икмон берувчи муайян кўрсаткичлар ва мезонларни белгиланг. Лойиҳада назарда тутилган фаолият молиялаш тугагандан сўнг қандай давом эттирилишини аниқ таърифлаб беринг. Бюджет. Лойиҳа доирасида назарда тутилган молиявий харажатларни кўрсатган ҳолда бюджетни илова қилинг. Бюджет суммаси 8 дан 12 минг АҚШ долларигача бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг шу кундаги курси бўйича), сумма лойиҳанинг бажарилиш жойи ва жалб қилинган адвокатлар сонига боғлиқдир. Америка юристлар ассоциацияси (АБА СИИЛИ), 700008, Тошкент ш., х.Рахмонов к., 47-уй, Баҳроуд Алиевга. Факс: (71) 152-74-77. Электрон почта: bekhzod@abaceeli.uz

ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «РАВНАҚ-БАНК» ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. Манзилемиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фуркат ва Навоий кўчалари кесишмаси, 2-уй. Телефонлар: 144-90-10, 144-07-53, факс: 144-10-91. E-mail: post@ravnaqbank.ccc.uz. Чоғм эл вақолати қонаси. УЙ ИКИ БИНО узламоқга (ВАЯТИНГАДА). Асосий талаблар: марказ таъмирланган бўлса мақсадга мувофиқ. Барча тақлифлар қуриб чиқилади. Алоқа вақти — соат 10.00 дан 18.00 гача. Телефонлар: 115-28-83, 115-28-84, 127-28-19.

Олтин мерос

Азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири ҳисобланган юртимиздан кўпгина буюк алооматлар, фузалю донишмандлар етишиб чиққан.

УМРБОҚИЙ АСАР

Колобод (баъзи муаллифларнинг ёзишларида — Гулобод) қадимий Бухоро шаҳри яқинидаги маҳаллалардан бири бўлиб, аллома айнан шу жойда таваллуд топганлиги боис ҳам ал-Колободий нисбати билан машҳур бўлган.

тасаввуф тарихига доир муҳим манба ҳақида

хобуддин Яҳё ал-Мақтул ас-Суравардий (1155-1191) «Атар Абу Бакр ал-Колободийнинг «ат-Тазарруф» асари бўлмаганда, биз тасаввуф нима эканлигини билмас эдик», дея таъкидлаган.

ибора. Лекин 1991 йил Москвада чоп этилган «Ислому» қомусий дугатида «ат-Тазарруф» етмиш беш бобдан иборат, деб кўрсатилган.

Ал-Колободий вафот этган санани эътиборга олсак, олимнинг илмий ҳаёти ва ижодий фаолияти асосан Х асрга, яъни юртимизда илм-фан ва маданият юксак поғонага кўтарилган даврга тўғри келганлигини кўриш мумкин.

Ат-Тазарруф тасаввуфнинг қонун-қоидалари ва тартиблари, атамалари, ислохотлари ҳамда етук намоёндалари фаолиятини ёритувчи биринчи асар сифатида гоятда муҳимдир.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг фикрига кўра, асарнинг мазмун-мундарижасини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин. Яъни, тасаввуфнинг пайдо бўлиши тарихи, унинг таърифи, тасаввуф илмига оид атамалар шарҳи, унинг йирик намоёндалари ҳақидаги маълумотлар.

Алломанинг бизнинг давримизга етиб келган икки асаридан бири «Бахр ул-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи») деб аталади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Албатта, келажакда олиб борилган илмий излашларимиз натижаси асарнинг ҳозирги вақтга етиб келган қўлёзма нусхалари ҳақида аниқ маълумотларни беради, деган умиддамиз.

Юқорида айтилганлардан аён бўлаётирки, шаҳ ал-Колободийнинг бу асари тасаввуф таълимоти тарихини кенг қўламада ёритган дастлабки ёзма манбалардан биридир.

Алломанинг бизнинг давримизга етиб келган икки асаридан бири «Бахр ул-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи») деб аталади.

Мамнуният билан айтиш керакки, «ат-Тазарруф»нинг қимматли бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруни номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

Юқорида айтилганлардан аён бўлаётирки, шаҳ ал-Колободийнинг бу асари тасаввуф таълимоти тарихини кенг қўламада ёритган дастлабки ёзма манбалардан биридир.

Алломанинг бизнинг давримизга етиб келган икки асаридан бири «Бахр ул-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи») деб аталади.

Асар икки марта нашр этилган. Жумладан, биринчи марта 1933 йилда инглиз олими Артур Жон Арберри томонидан Қоҳирадаги «ас-Саодат» матбаасида нашр этилган бўлса, 1960 йилда Қоҳирада Абдулҳаким Махмуд Тоҳо Абдулбоқий томонидан иккинчи бор чоп этилди.

Юқорида айтилганлардан аён бўлаётирки, шаҳ ал-Колободийнинг бу асари тасаввуф таълимоти тарихини кенг қўламада ёритган дастлабки ёзма манбалардан биридир.

Алломанинг бизнинг давримизга етиб келган икки асаридан бири «Бахр ул-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи») деб аталади.

Таркибий жиҳатдан асар юқоридagi энкр этилган Тошкент таниқлигига кўра муқаддима ва олтинмиш уч бобдан

Юқорида айтилганлардан аён бўлаётирки, шаҳ ал-Колободийнинг бу асари тасаввуф таълимоти тарихини кенг қўламада ёритган дастлабки ёзма манбалардан биридир.

Алломанинг бизнинг давримизга етиб келган икки асаридан бири «Бахр ул-фавоид» («Фойдали илмлар денгизи») деб аталади.

АВТОМОБИЛЬ — КРЕДИТГА!

«Ўздэуавто» АЖ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Накд пул маблағларини «Ният» депозитига қўйиш шarti билан кредит автомобиль қийматининг 100% миқдориди берилади.

- Кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига 10%
Депозит бўйича даромад — йилига 4,5%
Депозит қиймати — автомобиль қийматининг 50%
Кредит муддати — 3 йил



Сиз автомобиль харид қиласиз, банкдаги ҳисоб варағингиздаги пуллар эса сизнинг фойдангизга ишлайди.

КРЕДИТ ШАРТЛАРИ — МАНФААТЛИ!

Сиз кредит суммасининг 50 фоизини 3 йил мобайнида ойлик бадаллар билан қайтариб борасиз, қолган 50 фоизи эса кредитлаш даври охирида «Ният» депозитидаги маблағлар ҳисобидан қопланади.

Буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлимлари томонидан қабул қилинади. Батафсил маълумотни сиз 34-11-17, 137-62-76 рақамли телефонлар орқали ёки бизнинг www.nbu.com интернет-сайтимиздан олишингиз мумкин.

Тақдимот

Ватан — азиз ва мўтабар маскан. Унинг осойишталиги, тинчлиги йўлида жон беришга тайёр бўлганлар қанчадан-қанча. Лекин шундай кимсалар ҳам учраб турадики, ўсиб-улгайган она тупроқларини нафс йўлида оёқ ости қиладилар. Бу қилмишларининг тубанлик эканлигини англаб етганлариди эса, афсуски кеч бўлади.

«Шарпа»

Яқинда пойтахтимиздаги Ю. Гагарин номи киносатедада премьераси бўлиб ўтган «Шарпа» бадиий фильми ҳам тинчлигимизга раҳна солувчи иллатлардан огоҳ бўлишга қаратилган.

Фильмдаги воқеа шу кунларда аҳолиси тинч-тотув яшаётган оддий қишлоқда ўтади. Фильмнинг қаҳрамони Сафар ота меҳнатда суяги қотган, эл ҳурматидаги қишлоқ оқсоқолларидан. Аёлидан эрта айрилгач, ўғлининг ўтай она қўлида қолишини хоҳламай ёлғизликда яшайди.

«LONA» студияси томонидан тасвирга туширилган ушбу фильм Жаббор Жўрақулов қўлидаги мансуб. Унга муаллифнинг ўзи ҳамда Ашир Шокиров режиссерлик қилган.

«Кинога келганидан буюн трагедик ролларни оруз қилган бўлсам-да, ҳажвий қаҳрамонни уйнашга кўпроқ таклиф қилинган. — дейди «бош қаҳрамон» Обид Юнусов.

Фильм сўнггида ўғлининг на тирик, на ўликлигини билма олмаган отанинг тилидан кўчган сўзлари томошабинни ларзага солади. «Ватанга хиёнат асло кечирилмайди! Сендек ўғилни оқ қилдим, оқ қилдим!»

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётимиз мезонига айлантириш барчамизнинг бурчимиздир.

Қамоло Фозилжон қизи.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

2003/2004 ўқув йилига пуллик-тўлов шартнома асосида

таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2003 йил 3 сентябрь, 27 сентябрь ва 14 октябрда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилган эди.

Table with 3 columns: Код, Таълим йўналишлари, Баллар оралиги. Lists various educational programs and their corresponding scores.

Table with 3 columns: Код, Таълим йўналишлари, Баллар оралиги. Lists various educational programs and their corresponding scores.

Table with 3 columns: Код, Таълим йўналишлари, Баллар оралиги. Lists various educational programs and their corresponding scores.

Table with 3 columns: Код, Таълим йўналишлари, Баллар оралиги. Lists various educational programs and their corresponding scores.

Table with 3 columns: Код, Таълим йўналишлари, Баллар оралиги. Lists various educational programs and their corresponding scores.

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни қабул комиссияси раиси номига ёзма ариза билан 2003 йил 30 октябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишлари сўралади.

Бизнинг манзил: Бухоро ш., Қ. Муртазоев к., 15-уй, институтнинг 1-ўқув биноси, қабул комиссияси. Телефон: 223-74-36.

Янгиқўрғон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.



СУРАТЛАРДА: олий тоифали доя М.Сиддиқова беморга тегишли тавсиялар бермоқда; қишлоқ врачлик пунктнинг умумий кўриниши.

Тохиржон ҲАМОҚУЛОВ олган суратлар.



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралминов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қайибердиев, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтмиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 967. 226-56 нусхада босилган,
ҳажми — 2 табоқ. Объём усулида босилган.
Қоғоз баъими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилган ва оператор
Жамшед ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Таҳриратда ҳажми 5 қоғоздан иборат
материаллар қабул қилинмайдн.
[]—Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Магбулотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзлиева.
Навбатчи — Х. Қаримов.
Мусаҳҳах — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6